



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING B U Y R U G ' I

06.07.2021 йил

203 um-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16
июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва
ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш,
шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга
оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
Фармони ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил
16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва
ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш,
шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга
оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
Фармони (кейинги ўринларда Фармон деб аталади) раҳбарлик
ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (С.Уринбаева)
Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар портали ва
вазирликнинг расмий веб-сайтини (кейинги ўринларда
расмий веб-сайт деб аталади) зарурий ахборотлар билан
таъминлаш, доимий маълумотларни ўз вақтида

жойлаштириш, уларни доим янгилашиб бориш учун;

“Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси (Ш.Яминов) расмий веб-сайтни юритиш ва техник қўллаб-қувватлаш учун масъул этиб белгилансин.

3. Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (С.Уринбаева) ҳамда Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (А.Буриев):

ҳар йили 1 мартга қадар Адлия вазирлиги фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтга жойлаштириб, 10 мартга қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар берилишини;

ҳар йили 1 апрелга қадар вазирлик фаолиятига оид ҳисоботларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманини ўтказилишини;

адлия органлари ва муассасаларида очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

4. Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (С.Уринбаева):

“Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси (Ш.Яминов) мазкур буйруқнинг 1-иловага мувофиқ тасдиқланган Очиқ маълумотлар порталида ва расмий веб-сайтда жойлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталига ва вазирлик расмий веб-сайтига жойлаштириб, уларни ўз вақтида янгилаб борилишини;

адлия органлари ва муассасалари томонидан Очиқ маълумотлар портали ва расмий веб-сайтга ахборотлар жойлаштирилишини доимий таҳлил қилиб борсин ва таҳлил натижаси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича адлия вазирига ахборот тақдим этилишини таъминласин.

5. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалар ҳамда адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари:

мазкур буйруқнинг 1-иловасида назарда тутилган ахборотларни белгиланган муддатларда “Word” ва “Excel” шаклларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида Жамоатчилик билан алоқалар бўлимига тақдим этилишини таъминласин;

Очиқ маълумотлар порталига ва расмий веб-сайтга жойлаштириш мақсадида тақдим этиладиган ахборотларнинг сифатлилиги, ишончилиги, ҳаққонийлиги ҳамда ўз вақтида тақдим этилиши учун шахсан жавобгар этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва у билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича “йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ва тадбирларни амалга ошириш бўйича назорат режа 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 17 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтини такомиллаштириш тўғрисида”ги 124-ум-сон буйруғи;

Адлия вазирлигининг 2021 йил 21 январдаги 15/3-1/15-1/2394-сон ҳамда 2021 йил 7 июндаги 18/2-6/9983-сон доимий назоратдаги топшириқ хатлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. Адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари бир ҳафта муддатда ўзларининг ички ҳужжатларини мазкур буйруққа мувофиқлаштириш чораларини кўрсин ҳамда тегишли равишда очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни ўзларининг расмий веб-сайтида белгиланган муддатларда жойлаштирилишини таъминлаб борсин.

9. Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси (А.Буриев)

мазкур буйруқни вазирликнинг манфаатдор таркибий бўлинмаларига етказсин.

10. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш тегишлилигига кўра вазир ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

Адлия вазири



R.DAVLETOV

Тошкент шаҳар

Кирилди:

Бўлим бошлиғи

S.URINBAYEVA



Келишилди:

Директор ўринбосари

J.IBRAGIMOV



Адлия вазири ўринбосари

M.IKRAMOV



Бошқарма бошлиғи

A.BURIYEV

